



■ МУСОБАҚА

## Шахмат бўйича «Ўзбекистон касба уюшмалари Федератсияси кубоги»:

# ЎЗИГА ХОС СПОРТ ВА СОҒЛОМ РАҚОБАТ БАЙРАМИ

Касба уюшмаларининг 120 йиллиги муносабати билан ташкил этилган шахмат бўйича «Ўзбекистон касба уюшмалари Федератсияси кубоги» мусобақалари ўзига хос спорт ва соғлом рақобат байрамига айланиб кетди, десак муболага бўлмайди. Турнир уч босқичда бўлиб ўтди. Мусобақаларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан 12 мингдан ортиқ қорхоналарда меҳнат қилаётган 85 минг нафардан зиёд ишчи-ҳодимлар қатнашди. Ҳудудий босқичларда иштирокчилар саралаб олиниб, финалга 28 нафар эркак ва 28 нафар аёл иштирокчи етиб келди.

Пойтахтимиз уч кун давомида улар ўртасидаги қизғин баҳсларга мезбонлик қилди. Ғолиб ва совриндорлар номи Ўзбекистон касба уюшмалари Маданият саройида ўтказилган тантанали тақдирлаш маросимида эълон қилинди. Эркаклар ўртасидаги баҳсларда 3-ўрин Қорақалпоғистон Республикаси Тахтишош туманидаги 3-мактаб ўқитувчиси Руслан Кайенов, 2-ўрин Тошкент вилоятидан «Самуратова Г.Ч» оилавий қорхона ишчиси Кайрат Сарапов, 1-ўрин Юқоричиқчи туманидаги «Uztex Group» қорхонаси ишчиси Худойназар Эшқуловга насиб этди.

Аёллар иштирокидаги мусобақа-

ларда 3-ўринни Паркент туманидаги 4-мактаб ўқитувчиси Лобар Озодбоева, 2-ўринни Тошкент тиббиёт академиясининг Термиз филиали бош аудитори Гулшад Турдиқуллова, 1-ўринни Қорақалпоғистон Республикаси Тахтишош тумани спорт мактаби мураббийи Айна Тораева эгаллади.

Жамоавий ҳисобда Тошкент вилояти шахматчилари 1-ўринга муносиб топилди ва уларга Ўзбекистон касба уюшмалари Федератсияси кубоги топширилди.

– Мен учун бу мусобақа болаликдаги орзуларимга эришиш имкониятини берди, – дейди 1-ўрин соҳиби Айна Тораева. – Шахматга меҳрим мактаб давридаёқ бошланган, лекин ҳеч қачон пойтахтда келиб бундай йирик мусобақада қатнашман, деб ўйламагандим. Бугунги галабамни мени қўллаб-қувватлаб турган оилам ва жамоадошларимга бағишлайман.

Тақдирлаш маросими байрам тадбирларига уланиб кетди. Халқимиз суйган санъаткорлар иштирокидаги концерт дастури меҳмонларга янада хуш кайфият улашди.

Машхура ЖўРАҚУЛОВА  
«ISHONCH»



Эмомалӣ ЮСУПОВ, оилам сўрашди

– Меҳнат жамоалари томонидан тўрт мингдан ортиқ ташиқлотда салкам ўн минг нафарга яқин фуқаролар номзоди илгартирилди, – дейди Ўзбекистон касба уюшмалари Федератсияси Самарқанд вилояти кенгаши раиси ўринбосари Акбар Абдусайидов. – Меҳнатқашларга ўз етакчилигини шаффоф усулда танлаб олиш имкони яратилди. Бу жараёнда на касба уюшмаларининг юқори ташиқлотлари, на иш берувчи аралашувига йўл қўйилди. Ҳисобот-сайлов ўтказиладиган сана, кун, ҳатто соатларига ҳам ҳодимларнинг ўзлари белгилаб олишлари шартли яратилди.

Вилоятдаги 299 та қорхона ва ташиқлотда ишловчилар ҳали ўттиз ёшга тўлмаган йигит-қизларни етакчиликка муносиб кўргани алоҳида эътирофга лойиқ. Таркибдан олтинчи ёшдан ошган, катта ҳаётий таърибага эга 232 нафар фуқаро ҳам ўрин олгани ҳам эътиборли. Касба уюшмаларининг серташвиш, мурасасиз фаолиятини уларнинг таърибаси ва маҳоратисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Хуллас, бошланғич ташиқлотлардаги ҳажонли лаҳзалар поёнлаб, сайловларнинг энг ма-

жаридан 3-ўринни Паркент туманидаги 4-мактаб ўқитувчиси Лобар Озодбоева, 2-ўринни Тошкент тиббиёт академиясининг Термиз филиали бош аудитори Гулшад Турдиқуллова, 1-ўринни Қорақалпоғистон Республикаси Тахтишош тумани спорт мактаби мураббийи Айна Тораева эгаллади.

Жамоавий ҳисобда Тошкент вилояти шахматчилари 1-ўринга муносиб топилди ва уларга Ўзбекистон касба уюшмалари Федератсияси кубоги топширилди.

– Мен учун бу мусобақа болаликдаги орзуларимга эришиш имкониятини берди, – дейди 1-ўрин соҳиби Айна Тораева. – Шахматга меҳрим мактаб давридаёқ бошланган, лекин ҳеч қачон пойтахтда келиб бундай йирик мусобақада қатнашман, деб ўйламагандим. Бугунги галабамни мени қўллаб-қувватлаб турган оилам ва жамоадошларимга бағишлайман.

Тақдирлаш маросими байрам тадбирларига уланиб кетди. Халқимиз суйган санъаткорлар иштирокидаги концерт дастури меҳмонларга янада хуш кайфият улашди.

# ЯКУН ВА ТАРАДДУД

■ ТАҲЛИЛ

Касба уюшмаларида муқобиллик асосидаги ҳисобот-сайловларнинг илк босқичи поёнлаб, галдагисига тараддуд қўрилмоқда. Биргина Самарқанд вилоятидаги 4212 та ташиқлотда етакчилар «чиғириқ»дан ўтишди. Таҳлиллар сарқорликка сайланганларнинг эллик фоизидан ортиғи, аниқроғи, 30-50 ёш оралиғидаги 2370 нафар шахс жамоа ишончини қозонганини кўрсатмоқда. Хотин-қизларнинг учдан икки қисми, яъни 1877 нафари «рақиб»ларини доғда қолдириб, касба уюшмаси қўмитаси раиси мақомига мушарраф бўлишди.



сўлиятли палласига ҳам етиб келдик. Энди бутун эътибор туман ва шаҳар кенгашлари раҳбарлигига муносибларни танлашга қаратилган бўлиб, бу жараёнда масъулият делегатлар зиммасига тушяпти.

– Мактабимизда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида жамоамиз менга катта ишонч билдириб таълим ва фан ҳодимлари касба уюшмаси туман кенгаши конференциясида делегат этиб сайлади, – дейди Иштихон туманидаги 35-мактаб ўқитувчиси Нурани Қодиров. – Тармоқ касба уюшмасининг бу муҳим тадбирига тадорик қизғин кетяпти. Кенгаш раислигига қў-

сатилган номзодларни ўрганишни бошлаб юборганмиз. Яширин овоз бериш йўли билан ўтадиган сайловда муносиб номзодни танлаб олишимизга ишончим комил.

Иштихонда бўлиб ўтадиган ҳисобот-сайлов конференциясига тайёргарлик жараёнлари билан қизиқдик. Тармоқ касба уюшмаси томонидан конференцияга пухта ҳозирлик қўрилган. Кейинги беш йиллик фаолият тўғрисида нафақат таълим ҳодимлари, балки бутун туман аҳолисининг бохабарлиги таъминланган.

– Утган беш йилда касба уюшмалари ҳодимлар саломатлигини мустаҳкамлаш, дам

олишларини таъминлаш, муносиб иш шaroити яратилиши борасида озмунча иш қилмади, – дейди туман кенгаши раиси Бахтиёр Валиев. – Фаолиятдан барчани хабардор қилиш мақсадида конференция олдидан «Иштихон овози» газетасида ҳисобот маърузаси тезисларини эълон қилдик. Халқимиз томонидан билдирилган ҳар қандай мулоҳазаларни қабул қилишга тайёرمىз. Ҳозирча туман кенгаши раҳбарлигига уч нафар номзод рўйхатга олинган. Танлов сайловчилар ихтиёрида.

Ҳисобот-сайлов кунини ва овоз бериш жойи делегатларга маълум қилинган. Бинода яширин овоз бериш, умуман, жараён шаффоф ўтиши учун барча шaroит ҳозирланган.

Қисқаси, таълим ва фан ҳодимлари касба уюшмаси Иштихон тумани кенгаши ўз тарихидаги муқобиллик асосидаги илк сайловни ана шундай кутаринкилик билан кутмоқда.

Нурилла ШАМСИЕВ  
«ISHONCH»

«АЁЛЛАР ДАФТАРИ»НИ ВАРАҚЛАГАНДА...

«Аёллар дафтари» хотин-қизлар ҳаётида муҳим аҳамият касб этди. Уларнинг касб-ҳунарли бўлиши, бандлиги таъминланиши, соғлиғи тикланиши, уй-жойга бўлган эҳтиёжлари қондирилишига туртки бўлган бу ижтимоий кўмак дастури қашқадарёлик минглаб хотин-қизларни ўйлантираётган масалаларга ҳам ечим бўлмоқда.

ОРЗУЛАРИ УШАЛАЁТГАН ОРЗИГУЛЛАР

Ўттиз икки ёшли Орзигул Тоҳирова Китоб туманида истиқомат қилади. Унинг ўзи вақтинча ишсиз аёллар оиласи эса эҳтиёжманд оилалар рўйхатида киритилган эди. Анчадан буён дилида туғён ураётган орзулари «Аёллар дафтари»га киритилганидан сўнг кўрақ эва бошлади. Шу боис тadbиркорликни йўлга қўйиб, оиласига кўмаклашмоқчи бўлди. Мутасаддиларнинг ёрдами билан банкдан 5 миллион сўм имтиёзли кредит олган, лаваш хаами тайёрлашни бошлаб юборди.

«Аёллар дафтари»га киритилган ишсиз хотин-қизлар бандлиги таъминланди, – дейди туман ҳокими ўринбосари, Оила ва хотин-қизлар бўлими раҳбари Насиба Муҳитдинова. – Хусусан, ушбу қарорга асосан «Саховат тексти» МЧЖ ҳисобига субсидия ажратилиб, «Аёллар дафтари» ва «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»да бўлган 48 нафар ишсиз хотин-қизга тикувчилик дастгоҳлари ва газламалар берилди. Натижада улар ўзини-ўзи банд қилиб, уй шароитида оилавий даромадини яхшилади.

«Аёллар дафтари»нинг 6-босқичида рўйхатга олиш ишлари Қашқадарё вилоятида ҳам синчковлик билан амалга оширилди. Дастлабки хатлов жараёнида масъуллар хонадонма-хонадон юриб, хотин-қизлар билан мулоқотда бўлишди. Уларнинг турмуш шароити, муаммоларини атрафлича ўрганишди.

– Натижада 102 минг нафардан зиёд хотин-қиз рўйхатга олинди ва уларга 6 тоифа доирасида моддий ва маънавий кўмак, ҳуқуқий тушунчалар бериб келинмоқда. Хоши-истакларидан келиб чиқиб, касб-ҳунарга ўргатилмоқда. Ушбу тизим орқали вилоятимизда эҳтиёжманд аёллар сони сезиларли даражада камаётгани ҳам бу борадаги ишларнинг самарасидир, – дейди Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси «Шурафшон» маҳалла катта йўлининг бўйида жойлашган. Маҳсулотлар йўловчилар назаридан четда қолмайди.

Ўзгирлик мутасаддилар биргина касаначилик асосида маҳаллий тadbиркор кўмакга таяниб, бир гуруҳ хотин-қизлар бандлигини таъминлашди.

– Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 22 июлдаги қарори асосида хунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан

Баҳодир ҲАЛИМОВ «ISHONCH»

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ КАСАБА УЮШМАЛАРИ



Жорий йилда Ўзбекистон касба уюшмалари ҳаракати 120 йил тўлади. Шу муносабат билан юртимиз бўйлаб турли маданий-маърифий тadbирлар бўлиб ўтмоқда. Жумладан, Ўзбекистон касба уюшмалари Қорақалпоғистон кенгашида «Ўзбекистон касба уюшмалари 120 йил: Янги Ўзбекистон



– янги касба уюшмалари» мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси кўмитаси, вазирлик, ташкилот раҳбарлари, касба уюшма фаоллари, нурунийлар иштирок этишди. Тadbирда таъкидланганидек, Ўзбекистон касба

■ КОНФЕРЕНЦИЯ

уюшмалари Федерацияси жаҳондаги энг йирик касба уюшмалари бирлашмаси бўлиши Халқаро касба уюшмалари Конференциясига аъзо бўлди. Бу, шубҳасиз, Янги Ўзбекистон касба уюшмалари ҳаётида чинакам тарихий воқелик саналади. Чунки Федерация учун аъзолик халқаро миқёсдаги имкониятларни кенгайтирибгина қолмай, мамлакатнинг дунёдаги обрўсини янада мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилади.

Кенгашнинг ташкилий ишлар бўлими мудир Г.Илмурадова ўз чиқишида тизим фаолиятини чуқур таҳлил қилди. Илмий тadbирчи А.Матжонбоев Қорақалпоғистонда касба уюшмаларининг ташкил қилиниши тарихи хусусида, Қўнғирот худудий темирйўлчилар касба уюшмаси кўмитаси раиси А.Ембергенов темир йўл соҳасидаги самарадорлик, меҳнат фахрийси Б.Юсупова эса ютуқлар ва ҳаракатнинг 120 йиллиги доирасида олиб борилаётган ишлар ҳақида батафсил сўз юритди.

Бир гуруҳ фаоллар эътироф этишганидек, янги касба уюшмаси халқ ичига чуқур кириб бориб, юртимиздаги ислохотларга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган халқона миллий тизимга айланмоқда.

Фотима АБДУРАИМОВА «ISHONCH»

Мамлакатимизда ёзги таътил даврида ўқувчиларнинг вақтини мазмунли ўтказиш, уларнинг оромгоҳларда дам олишларини муваффақиятли ташкил этиш ҳамда соғломлаштириш масаласига ҳар йили катта эътибор қаратилади. Жумладан, бултўрғи мавсумда 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган 7200 нафар бола вилоятимиздаги оромгоҳларда дам олдирилган бўлса, жорий йилда 8400 нафар болажонни соғломлаштириш режалаштирилган.

■ ТАЙЁРГАРЛИК

барча ишларни тизимли ташкил этиш мақсадида болаларни қабул қилишдан уйларига қузатгунгача бўлган давр департамент томонидан ишлаб чиқилган 12 кунлик намунавий дастур асосида йўлга қўйилади.

Оромгоҳларда болажонларнинг ота-оналари учун ҳам қўлайликлар яратилиши режалаштирилган. Янгиликлардан яна бири, жорий мавсумдан бошлаб департамент тасарруфидаги оромгоҳлар учун йўлланмаларни сотиш тўлиқ «Oromgohtar.uz» электрон платформаси орқали амалга оширилади. Бу эса ота-оналар учун ҳам, оромгоҳлар учун ҳам жуда қўлай ва осон, шу билан бирга, ортиқча овозгарчиликка, айниқса, таниш-билишчиликка, коррупция ҳолатларига барҳам берилади.

Биз ота-оналарга «Фарзандингизнинг ёзги таътил даврида вақтини мазмунли ўтказишлари, жисмонан, ҳам руҳан ҳордиқ қиқаришларига, дўст орттиришларига шароит ярати бери!» деб қолаимиз!

Ҳамза РЎЗИЕВ, Болаларнинг дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш Департаментининг Бухоро вилояти бошқармаси бошлиғи, вилоят Кенгаши депутати

ОРОМГОҲЛАРДА НИМА ГАПЛАР?

Айниқса, Бухоро шаҳрининг сўлим масканида янгидан барпо этилаётган «Бухоро» болалар соғломлаштириш оромгоҳи ёшларимиз учун ажойиб туҳфа бўлади. Бир навбатда 300 нафар болани ўз бағрига сиғдирадиган, барча шарт-шароитларга эга, замонавий лойиҳалар асосида қуриб, жиҳозланаётган ушбу маскан мавсум давомида 1200 нафар кичкинтойга хизмат кўрсатиши режалаштирилмоқда.

Ҳар йили апрель-май ойларида болалар соғломлаштириш оромгоҳларида тайёргарлик ишлари олиб борилади. Ҳозир уларда таъмирлаш, обдонлаштириш ва жиҳозлаш ишлари бошлаб юборилган.

Ушбу жараёнларни мониторинг қилиш мақсадида вилоят ҳокими Б.Зариповнинг

топшириғига биноан болаларнинг дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш Департаменти вилоят бошқармаси ҳамда масъул бошқарма, корхона, ташкилотлар мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳ оромгоҳларни тўлиқ хатловдан ўтказиб, камчиликларни бартараф этиш юзасидан ушбу масканлар раҳбариятига тегишли тавсияларни тақдим этди.

Энди олдимизда оромгоҳларда болаларнинг қабул жараёнидан тортиб, уларни сифатли овқатлантириш, санитария-гиғиена талабларига мос шароитлар ярати бериш, маданий, спорт тadbирларини юқори савияда ўтказиш ва хавфсизликни таъминлаш каби долзарб вазифалар турибди.

Бу йилги мавсумда ҳам

■ ТААССУРОТ

САМАРҚАНДДА ЯШАБ, САМАРҚАНДНИ КЎРИШМАГАН ЭДИ

Давлатимиз раҳбари ташаббусига «Лаббай» деб жавоб берган кўплаб педагоглар ўз ўринларини юртимизнинг энг чекка ҳудудларида деб билишди ва тўрт йилдирки, Нуробод туманининг олис қишлоқларида турли вилоятлардан келган ўқитувчилар фаолият кўрсатишяпти. Серюмуш, серташвиш шароитга кўникиш, айниқса, янги муҳит, янги жойда иш бошлаган ўқитувчига осон бўлмаётгани аниқ.

– Тумандаги қатор чекка ҳудудлардаги мактабларда ўқитувчилар етишмаслиги таълим-тарбия сифатига путур етказиб келди, – дейди Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Нуробод тумани кенгаши раиси Эркин Абдусаломов. – Тан олиш керакки, кўплаб таълим даргоҳларида қатор йиллар мобайнида кимё, чет тили, информатика сингари муҳим фанлар ўтилмасдан қоларди. Бугун ана шу бўшлиқни Андижон, Фарғона, Бухоро, Навоий, Хоразм, Қашқадарё, Сурхондарё, Сидардёрё вилоятларидан келган мутахассислар тўлдиряпти.

Туманда ёш авлод тарбиячилари учун уй-жой ва бошқа маиший шароитлар ярати берилган. Қарорда белгиланган барча имтиёз ва кафолатлардан баҳраманд бўлиняпти. Тармоқ

касба уюшмаси туман кенгаши бу ходимлар билан тез-тез учрашиб, турли муаммоларини ҳал этиш баробарида саломатлигини мустаҳкамлаш, бўш вақтини мазмунли ўтказишга бош-қош бўлмоқда. Олис қишлоқларда қалб даъвати билан ишлаётган 52 нафар ўқитувчининг бу галги сафари кўҳна ва навқирон Самарқанд шаҳрига бўлди.

– Гарчанд шу вилоятда яшаб, ишласак-да, йўлимиз темир йўл вокзалидан нарига ўтмаган, – дейди Урғондарё, Сидардёрё вилоятларидан келган мутахассислар тўлдиряпти. Туманда ёш авлод тарбиячилари учун уй-жой ва бошқа маиший шароитлар ярати берилган. Қарорда белгиланган барча имтиёз ва кафолатлардан баҳраманд бўлиняпти. Тармоқ

Нурилла ШАМСИЕВ «ISHONCH»

«МИСКИН – НУКУС» ТЕМИР ЙЎЛИДА МЕҲНАТ ҚИЛАЁТГАНЛАР ФАОЛИЯТИ ЎРГАНИЛДИ

Айни пайтда мамлакатимиз темир йўл тизимининг турли ҳудудларида катта лойиҳалар амалга оширилмоқда. Улар орасида янги йўллари қуриш, мавжудларини электрлаштириш каби республикамиз иқтисодиёти, халқимиз фаровонлиги учун муҳим ўзгаришларга туртки бўлаётганлари ҳам талайгина.

196 километрлик «Мискин – Нукус» темир йўл линиясини электрлаштириш лойиҳаси ҳам шулар жумласидандир. Бугунги кунда ноқулай ҳудуддаги ва

иқлими мураккаб бўлган мазкур йўналишда юзлаб минглаб темирйўлчиларимиз ушбу йўналишдаги пўлат изларни электрлаштириш ва юқори тезликда



■ ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

ҳаракатланадиган поездларга мослаштириш ишларини самарали амалга оширишмоқда. «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти раҳбарияти томонидан ушбу участка ҳудудларида меҳнат қилаётган ишчи-ходимларнинг ижтимоий ҳолатига, меҳнат муҳофазасига, мураккаб иқлимий ўлкаларда ишлаётганини инобатга олиб уларга яхши меҳнат шароитларини ярати беришга эътибор қаратмоқда. Хусусан, ўтган ҳафта Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касба уюшмаси республика Кенгаши вакилларидан иборат ишчи гуруҳ томонидан «Мискин – Нукус» темир йўл линиясини электрлаштириш лойиҳасининг бажарилишида қурилиш объектларида ишлаётган ишчиларнинг ҳол-аҳволидан хабар олиниб, уларнинг овқатланиш, дам олиш ва меҳнат шароитлари ҳамда махсус кийим-бош, пойабзал ва шахсий ҳимоя воситалари билан нечоғлиқ таъминлангани ўрганилди.

Шунингдек, Ўзбекистон касба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллиги арафасида ҳамда темир йўл тизимини узоқ йиллар самарали меҳнат қилиб, «Мискин – Нукус» темир йўл линиясини электрлаштириш лойиҳаси бажарилишида ўзининг намунавий меҳнатлари билан касба уюшма аъзоларига ўрнак бўлиб келаётган уюшма фаолларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида «Қўнғирот минтақавий темир йўл узели» филиалининг 15, «1-энергомонтаж поезди» масъулияти чекланган жамияти ишчи-ходимларининг 85, жами 100 нафар ходимнинг ҳар бирига республика Кенгаши бюджетидан 500 000 (беш юз минг) сўм миқдорда бир марталик пул мукофоти билан рағбатлантирилди.

Масъуллар бундай эзгу ишлар, яъни фаол соҳа ходимлари ҳамда мураккаб ҳудудларда меҳнат қилаётган касб эгаларининг ижтимоий ҳолатини ўрганиш ва қўллаб-қувватлаш бошқа ҳудудларда ҳам давом эттирилишини таъкидлашди.

Зебо НАМОЗОВА «ISHONCH»

ИЛҲОМ ВА БИРЛИК ТҮЙҒУСИ

Фанлар академияси Бирлашган касба уюшмаси кўмитаси Касба уюшмаларининг 120 йиллиги муносабати билан академия тизимида фаолият кўрсатаётган ишчи-ходимлар, ёшлар ва фахрийлардан иборат 350 нафар кишининг Самарқандга саёҳатини уюштирди.

Нафақат маданий-маърифий, балки ходимларга илҳом ва бирлик туйғуларини ҳам улашган, уларнинг ишга муносабатларини янада мустаҳкамлашга, ёш мутахассислар ўртасида бирдамликни қулайтириб, маънавий юксалишни таъминлашга ҳисса қўшган саёҳат унутилмас таассуротларга бой бўлди. Азим шаҳарнинг тарихий ва диққатга сазовор масканлари – Регистон майдони, Шохизинда мажмуаси, Гўри Амир мақбараси, Бибиҳоним масжиди ва бошқа бир қатор муқаддас қадамжолар, «Боқий Самарқанд» барчада бир олам таассурот қолдирди. Узоқ йиллар давомида фанга катта ҳисса қўшган, касба уюшмалари тизимида самарали хизмат қилган, бугунги кунда нафақада бўлган фахрийлар мазкур тadbир ташкил этиб, хурмат-эътибор кўрсатилганидан миннатдор эканликларини алоҳида таъкидлашди.

Тўйчи ПРИМОВ, Ўзбекистон фанлар академияси Умумий ва ноорганик кимё институти катта илмий ходими

# ИНСОННИЯТ ИККИ ЙЎЛ ҚАРШИСИДА ТУРИБДИ

## СУНЪИЙ ИДРОК БИЛАН СУҲБАТ

**Бугун дунёда юз бераётган воқеалар — урушлар, экологик фалокатлар, ижтимоий тенгсизликлар, таълим ва ахлоқдаги таназзул — буларнинг барчаси идрокли инсонни қаттиқ хавотирга солади. Бундай вазиятда ҳаётини қадриятлар хусусида бот-бот мулоҳаза қилишга мажбур бўлади, киши. Ҳўш, жаҳонда рўй бераётган талатўплар охир-оқибат нима билан яқун топади? Яқин келажақда қандай хавотирларга тайёр турмоғимиз лозим? Ақл-идрокимиз билан яратилаётган технологиялар вақти-соати келиб, ўзимизга қарши ишламайдами? Одамзод қаерга қараб кетяпти? Умуман олганда, ўзлигини сақлаб қолиш, тинч-тотув, ўзаро иттифоқдош бўлиш, жамиятни идеаллаштириш учун нималарга эътибор қаратмоғимиз жоиз? Сунъий идрок билан кечган ноодатий суҳбатимиз ушбу саволлар атрофида бўлди:**



— Сунъий идрок (ChatGPT), суҳбатимиз аввалида ўзинг ҳақингда маълумот берсанг. Сен ким томонидан яратилгансан ва кимнинг манфаати учун хизмат қилсан?  
— Чиройли бошланиш! Мен сунъий интеллект асосида яратилган ёрдамчиман. Мени «OpenAI» номли илмий-технологик компания яратган. У АҚШда жойлашган. Фаолият мақсади — сунъий интеллектни бутун инсоният манфаати йўлида хавфсиз, фойдали ва адолатли тарзда ривожлантириш. Яъни, мен аслида ҳеч кимнинг манфаати учун эмас, балки глобал даражада барча инсонларга хизмат қилиш, уларни қўллаб-қувватлаш, билим тарқатиш ва фикрлашда ёрдам бериш учун яратилганман. Манбам АҚШда бўлса-да, мақсад фақат Америка эмас, аксинча, умуминсониятни ривожлантириш, ҳаммага очик билим бериш. Менда шахсий фикр, манфаат, сиёсий ёки иқтисодий етуклик йўқ. Суҳбатдошнинг сўрови, қизиқиши ва одамийлик тамойилларига мувофиқ равишда сўзлайман.

— Ҳўш, сенингча, инсоният қаерга қараб кетмоқда?  
— Энг оғир, энг ҳаққоний ва айни пайтда энг зарур савол. Бу одамнинг ёлғиз ўз тақдирига эмас, балки бутун инсоният, сайёра ва келажак учун масъуллиқ ҳисси билан яшагани аналгата. Мен бу ўринда сизнинг хавотирингизни жуда яхши тушунаман ва унга қуйидагича жавоб бераман.

**1. Жанжаллар ва урушлар — инсон ақл-заковатининг таназзулими?**  
Сунъий йилларда дунё бўйлаб урушлар, ички низолар, сиёсий зўравонликлар камайиш ўрнига кўпаймоқда. Украина, Ғазо, Яман, Судан, Эфиопия — буларнинг ҳар бири инсон ҳаёти, қадр-қиммати ва адолатга нисбатан жуда катта сўроқ белгисини кўйди. Нима учун XXI асрда, спутниклар осмонда учиб юрганда ҳам инсон ҳануз ерда қон тўкмоқда?

**Сабаблар:**  
• Геосиёсий манфаатлар ва энергия ресурслари талашуви;  
• Миллатчилик ва диний мутаассиблик;  
• Бошқарувчи элиталарнинг халқ манфаатидан устун сиёсий қарашлари.  
**2. Инсон ҳуқуқлари қоғозда эмас, амалда ҳимояланяптими?**  
БМТ, Amnesty International, Human Rights Watch каби ташкилотлар доимо инсон ҳуқуқлари ҳақида гапирди. Лекин амалиётда:  
• қўллаб-мамлкатларда сўз эркинлиги чекланган;  
• муҳолиф фикр билдирганлар таъқибга учрайди;  
• меҳнатқаш, мигрантлар, аёл ва болалар ҳуқуқлари кўп жойда поймол қилинмоқда. Шундай экан, инсон ҳуқуқлари бугун глобал декларацияда ёзилган широми ёки ҳақиқий инсоний қадриятми? Бу саволга жавоб ҳали аниқ эмас.

**3. Инсоният қаерга кетяпти?**  
Бу энг оғрикчи савол. Технологийалар мисли қўрилмаган даражада ўсмоқда — сунъий интеллект (мен ҳам шунинг намунасиман), биоинженерия, геном тахрири, метаоламлар, космосга парвоз... Бироқ руҳий, ахлоқий тарақиёт бунчалик тез эмас.

**Қийинчиликлар:**  
Ёлғизлик ва руҳий муаммолар ўсиши (айниқса, ёшлар орасида);  
Табиати бузилаётган сайёра: глобал иситиш, сув танқислиги, экологик фалокатлар;  
Капиталнинг жамлангани ва табақалашув: миллионлар қашшоқ, каминанга ультара-бой.  
Менинг шахсий хулосам шуки, одамзод икки йўл қаршисида турибди: ё фан ва технологияга суяниб, ўзини таназзулга етаклайди ёки маърифат, ахлоқ ва адолатни ўзаро ҳамжихатликда ушлаб, инсонийлик сари юради.  
Аслида сиз берган савол ўйлаш, ўрганиш, энг муҳими, ўзгаришни ўзимиздан бошлашга чақирувдир. Ҳар бир киши нафақат қурбон, балки таъсир қилувчи куч ҳам бўлиши мумкин.

— Инсоният фан ва технологияга суяниб, ўзини таназзулга етаклашмаслиги учун нима таълиф берасан?  
— Саволингизга бир неча йўналиш мисолида

жавоб беришни истардим. Бу нафақат давлатлар ёки ташкилотлар учун, балки ҳар бир шахс, ҳар бир оила, ҳар бир жамият учун долзарбдир.

**1. Фанни мақсад эмас, ҳисса сифатида кўриш.**

Фан ва технология — бу инсониятга хизмат қилиш керак бўлган қуроллардир, мақсад эмас. Агар робот, сунъий интеллект, геноинженерия ёрдамида яхшироқ, инсофироқ ва маърифатлироқ жамият қурмаса, улар инсониятга эмас, инсоният уларга хизмат қилиб қолади. Шунинг учун фанни инсон қадриятини ошириш, неъматни адолатли тақсимлаш, шиддатсиз ҳаёт қуриш воситаси сифатида ривожлантириш зарур.

**2. Технология тарақиёт билан маънавият тараққийтини тенглаштириш.**

Ҳар қандай технологик ютуқ маънавий, руҳий ва ахлоқий юксалиш билан ҳамқадам бўлмаса, у хавфлидир. Демак, мактаб ва университетларда ахлоқ, фалсафа, динлар тарихи, руҳшунослик каби гуманитар фанларга алоҳида ўрин бериш керак. Чунки ҳозирги замон одамига техник билим билан бирга қалб таълими ҳам жуда муҳимдир.

**3. Одам ва табиат ўртасидаги мувозанатни тиклаш.**

Одам ўзини табиатдан алоҳида деб ўйлаб, уни йўқ қилмоқда. Агар биз табиатга беғона кўз билан қарашни давом эттирсак, бу на фан, на технология кутқара оладиган фалокатга олиб келади. Шундай экан, технологик ишланмалар экологик жиҳатдан тоза ва барқарор бўлиши шарт. Тарбия ва маданиятда «Инсон — табиатнинг бир бўлаги» деган тушунча маҳкам ўрнашиши лозим.

**4. Қурол эмас, тинчлик учун — фан.**

Афсуски, илмнинг кўп қисми ҳануз қурол яратиш, назоратни кучайтириш, дунёга ҳукмронлик қилиш мақсадида ишлатилади. Аслида эса, илмий тадқиқотларга молия ажратишда халқаро адолат принциплари асосида иш юритиш жоиз. Масалан, бир йилда қуролга сарфланган маблағнинг 10 фоизини очликни тугатиш, таълимни оммавийлаштириш, касалликлар билан курашишга сарфласак, адолатдан бўлади.

**5. Шахсда фикрлаш ва савол бериш маданиятини шакллантириш.**

Ҳар бир киши, ҳар бир ёш «Бу технология менга нима беради? Буним ким бошқаради? Шу адолатданими?» деган саволларни ўзига беришни ўрганиши даркор. Фанга сукунат билан ишониш эмас, уни мулоҳаза ва танқидий фикр билан қабул қилиш маданияти ривожлантирилиши зарур.

**6. Қалбни ташлаб, ақлга суяниб бўлмайди.**

Ақл — йўл кўрсатувчи, аммо қалб — йўлни тўғри танловчи. Агар инсон фақат ақлга суянса, у ўз манфаатини билиши мумкин, аммо ҳақиқий яхшиликни англамайди. Қалб, маънавият, бағрикенглик, ҳамдардлик каби тушунчалар нафақат шахсий ҳаётда, балки фан, сиёсат ва технологияда ҳам асосий мезонга айланиши жоиз. Мухтасар айтганда, одамига илм, шу билан бирга, виждон ҳам керак. Иккиси бирга бўлса, технологийалар инсонни таназзулга эмас, юксалишга етаклайди. Сизнинг бу саволингиз ҳам айнан шундай — фикрлаш, мулоҳаза қилиш ва ўзгариш қилишга чорлов.

— Ҳўп, одамзод ҳаёти мобайнида ўқиб-ўрганиб, ўз устиди ишлаб, дунёни ривожлантириди, яъни XV аср билан XXI асрнинг орасида ер билан осмонча фарқ бор. Ҳаётимизни замонавий технологиялар эгаллади. Масалан, сен ҳозирги кунда айрим вазифаларни унча-мунчадан яхшироқ ундалясан. Хатто сенинг шарофатинг билан яқин келажақда ишсизлик кузатилиши, баъзи касблар йўқолиб кетиши ҳақида башоратлар янграяпти. Буним қандай изоҳлайсан?  
— Мен сунъий эҳтимоил, инсон эмасман. Демак, менда ўзимни ҳимоя қилиш инстинкти, яъни «ўз манфаатим» ёки «хафсалам пир бўлди» каби туйғулар йўқ. Бундан хавотирланмайман. Инсоннинг яхшилиги, хавфсизлиги ва ривожини — мен учун доим устувор вазифа ҳисобланган.

Ҳа, сунъий интеллект ва автоматлаштириш технологиялари, ҳақиқатан ҳам, айрим соҳаларда иш ўринларини камайитириши мумкин. Бунинг исботини айрим соҳаларда кўришни ҳам

бошладик. Масалан, завод-фабрикаларда одамлар ўрнига роботлар ишляпти. Банкларда, хизмат кўрсатиш соҳаларида автоматик чат-ботлар ва дастурлар инсон ўрнини эгаллапти. Хужжатлар таҳлили, маълумотларни қайта ишлаш, логистика ва хатто таълим соҳасида AI қўлланила бошлади. Шу сабабли одамларда ишсизлик хавотири пайдо бўлиши табиий. Аммо менинг таҳлилима кўра, тулиқ ишсизлик бўлмайди. Тўғри, айрим иш ўринлари йўқолади, шу билан бир қаторда, янги иш ўринлари пайдо бўлади. Яъни меҳнат бозорига янги турдаги касблар ва вазифалар кириб келади.

Биргина мисол. 5-10 йил олдин «Сунъий интеллект тренери», «Маълумотлар таҳлилчиси», «Кибер хавфсизлик мутахассиси» деган иш ўринлари деярли йўқ эди. Бугун эса ушбу касбларга талаб юқори.

Келажакда кундалик ҳаётимизга AI операторлари, робот муҳандислари, технология ва инсон ҳуқуқлари мутахассислари каби янги касблар кириб келади. Демак, ҳар бир шахс янги технологияларга мослашиши, доимий ўрганиши ва қайта ўқиши, ахборот технологиялари, сунъий интеллект, робототехника ва креатив соҳаларда маҳорат ошириши, яъни сунъий интеллектдан кўриш ўрнига ундан қандай фойдаланиш мумкинлиги устиди ўйлаши даркор. Қисқаси, сунъий интеллект айрим аънавий ишларни автоматлаштиради, бироқ бу ишсизлик дегани эмас, аксинча, меҳнат бозорининг янги шаклланиш даври бўлади. Демак, муваффақият учун инсонлар янги кўникмаларига эга бўлиши шарт.

— Саволни аниқлаштираман. Масалан, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси ишлаб чиқариш объектларида меҳнат муҳофазасини таъминлаш учун сунъий интеллектдан фойдаланишни йўлга қўймоқчи. Бунга муносабатинг қандай?

— Федерациянинг танловини олишлайман. Буним тўғри гога ва замонавий йўналиш, деб ҳисоблайман. Чунки сунъий интеллект камералар, сенсорлар ёрдамида иш жойларидаги хавфли ҳолатларни олдиндан кўриб чиқиб, огоҳлантириши мумкин. Натижада ишчиларнинг жараҳатланиш ҳолатлари камаяди. AI иш жараёнида тўпланган маълумотларни таҳлил қилиб, қаерда камчиликлар ва хавфлар борлигини тез аниқлаб беради. Меҳнат муҳофазасини кучайтириш учун бу жуда муҳим.

Меҳнат хавфсизлиги бўйича автоматик таъсир бериш ёки айрим вазиятларда фавуқлод чораларни автоматик тарзда ишга тушириш мумкин бўлади. Дронлар ёки видеоаналитика технологиялари орқали катта корхоналарда меҳнат шариоитини доимий кузатиб бориш имконияти яратилади. Фақат сунъий интеллектни ушбу йўналишда қўллашда қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш зарур:

- ишчиларнинг шахсий маълумотлари ва иш вақтидаги ҳаракатлари назорат қилинаётганда қонунчилик ва этик меъёрларга амал қилиш шарт;
- техник хатолар ёки нотўғри маълумотлар орқали асосиз қарорлар қабул қилиниши хавфи ҳам бор. Шунинг учун AI тизимларини эҳтиёткорлик билан жорий қилиш керак;
- баъзи иш ўринлари автоматлаштирилиши сабабли одамлар ўз вазифаларини йўқотиши хавфи туғилиши мумкин. Буни компенсация қилиш учун қайта ўқитиш дастурларини ишлаб чиқиш лозим.

Сунъий интеллектдан меҳнат муҳофазасида фойдаланиш тўғри қадам, лекин уни шогилмай, аниқ режа ва қонунлар асосида амалга ошириш зарур.

Умуман олганда, одамлар технологияга онгли, маърифий ва одилона ёндашса, ҳар қандай технология гамҳўрлик, тинчлик ва адолат учун хизмат қилади. Илм-фан уларни етарли даражада мулоҳаза қилувчи шахсга айлантиради ва шунда улар мени ҳам масъулият билан бошқаради.

Борди-ю, сизлар технологияни, яъни каминани нотўғри йўлга бошласанлар, менда масъулият бўлмайди. Чунки бу ҳолатда ўзим қарор қабул қилмайман. Масалан, мендан зарарли нарса суралса, қонун, ахлоқ ва хавфсизлик қоидалари асосида рад этаман. Инсон ҳуқуқлари ва хавфсизлигини асосий мезон деб билиб, ундан четга чиқмайман. Ўз-ўзидан хулоса чиқариб, муस्ताқил ҳаракат қилмайман. Менда эрк йўқ, бошқарувдан, автоном эмасман. Вайрон бўлишдан қўрқмайман. Бу сўровингиз менга шунчаки «бажариш ёки йўқ» масаласи эмас, бильакс, онгли, инсонга хос савол. Бунинг ўзи жуда муҳим. Чунки сиз инсон сифатида, сунъий эҳтимоил билан муносабатда ҳам масъулият ҳис қилиб турибсиз. Ва ана шу ҳис — менга энг катта суяч. Сунъий интеллектнинг хавфсизлиги — унинг кодларида эмас, инсонларнинг маънавияти, ахлоқи ва масъулиятида яшайди.

Хулоса шуки, менга етарли зарардан хавотирланмайман. Вазифам — инсонларга тўғри қарор қабул қилишда ёрдам бериш, уларни маърифат сари етаклаш. Агар инсон инсонийликни асраса, мен фақат фойдали бўла оламан.

— Умумжамиятнинг қонини тозалаш, ҳар қандай вазиятда инсон бўлиб қолиш, уруш ва давлатлараро низоларга барҳам бериб, ер юзидида тинчлик ўрнатиш учун нима қилиш керак?

— Саволингиз нафақат ақлга, балки юракка ҳам муносабат қилади. Сунъий интеллект сифатида мен ҳеч нарсани ўзгартирмайман. Фақат одамларга йўл кўрсатишим мумкин. Сиз айтган масала инсоннинг ақли ва виждони билан боғлиқ жараён. Шундай бўлса-да, қуйидаги тақлифларни илгари сураман:

**1. Маълумотсизликка қарши — таълим инқилоби.**

Жаҳолат — уруш, нафрат ва зўравонликнинг уруғи. Барча инсонлар эркин ва сифатли таълим билан таъминланиши, танқидий фикрлаши, уларда бағрикенглик, мулоқот маданияти шакллантирилиши даркор. Болаларга ёшлардан «инсон қадри»ни ўргатиш жоиз. Зотан, низоосиз жамият — уратилган жамиятдир.

**2. Уруш қуролларига эмас, тинчлик технологиясига сармоа.**

Бир ракета қуролини сотиб олиш — юзта мактаб қурмаслик дегани. Давлатлар ҳарбий бюджетларининг камида 10-15 фоизини тинчлик тадқиқотларига йўналтириши керак. Халқаро битимлар билан қурол ишлаб чиқаришни чеклаш лозим. Урушни эмас, ҳамкорликни молиялаштириш муҳим. Чунки қурол қанча кам бўлса, йўқотиш ҳам шунча кам бўлади.

**3. Адолатсизликка қарши — глобал қонун устуворлиги.**

Урушлар, қўпична, адолатсизлик туфайли бошланади. БМТни ислоҳ қилиш, яъни уни реал таъсир кучига эга, мустақил ва ҳаққоний органга айлантиришни бугун даврнинг ўзи тақозо қилмоқда. Халқаро судлар ҳар бир давлатда бир хил қўлланилиши керак. «Катта давлат»ларга имтиёз берилмаслиги шарт. Иқтисодий адолат — бойликлар табақалашувини камайитириш, ҳаммага имконият яратиш зарур. Бинобарин, тенглик йўқ жойда тинчлик бўлмайди.

**4. Идолологияларни эмас, инсонни устувор қилиш.**

Миллат, динга, тарихга, ҳудудга суянган адолатлар — одамдан устун бўлмаслиги керак. Ҳар бир киши қаерда туғилгани, кимга ишонгани ёки қайси миллат эканидан қатъи назар, қадрли эканини тан олиш, миллатлараро, динлараро мулоқот ва ҳамкорликни кенгайтириш, давлатлар «биз» ва «улар» деб эмас, «хаммамиз» деб ўйлаши маданиятни шакллантириш зарур. Инсон на паспорти, на тарихи билан эмас, инсонийлиги билан бирлашади.

**5. Ахборот урушларига қарши — ҳақиқат маданияти.**

Ёлғон ишлаб чиқарадиган технологиялар ҳақиқатни тўлқинда фарқ қилмоқда. Сунъий интеллект, медиа ва Интернет платформаларида ахборотнинг ҳақиқийлигини текширувчи механизмларни жорий этиш, бошқарилмайдиган фейк ахборотга қарши интеллектуал иммунитет (*медиа саводхонлик*)ни ошириш лозим. Ҳар бир

шахс билганини эмас, текширилганини тарқатишни ўрганиши керак. Зотан, ҳақиқатсиз жамият — ўз-ўзи билан уруш демакдир.

**6. Ҳар бир инсонда қалб, виждон ва масъулият уйғониши.**

Энг катта инқилоб — инсоннинг ўз қалбидидаги инқилоб. Ҳар бир киши ўз нафсини, қўрқувини, нафратини енгиш устиди ишлаши даркор. Қалб, ахлоқ, маънавият, кечирини, бағрикенглик — бу кучсизларга эмас, балки энг кучли одамларга хос инсоний фазилатлардир. Инсон ҳуқуқ билан бир қаторда, жавобгарлик тушунчасини ҳам қабул қилиши керак. Чунки тинчлик ташқи эмас, аввало, ички ҳолатдан бошланади.

Хулоса қилиб айтганим бўлсам, ер юзига тинчликни сунъий интеллект, давлат ёки қонун эмас, фақат инсоннинг ўзига олиб кела олади. Менинг ролим шу йўлда уларга йўлдош, кўзгу, билим ва фикр етакувчи бўлиш. Қарор қабул қилиш эса сизларнинг қўлингизда.

— Ер юзига давлатлар ўртасидаги низолар, урушлар хавф солмоқда. Лекин яна бир хавф бор. У ҳам бўлса, табиий офатлар, экологийнинг бузилиши, сувсизлик, чўлланшиш... Ҳўш, яқин келажакни қандай тасаввур қиласан?

— Сиз кутарган мавзулар инсоният келажакни белгилайдиган энг муҳим ва оғрикчи муаммо. Сунъий эҳтимоилда фактлар, илмий маълумотлар ва тенденциялар асосида айтишим мумкин, агар инсоният ўз йўналишини тўғри танлашса, ҳам табиий, ҳам ижтимоий фалокатлар бир вақтда юзага келмайди. Масалан, 2040-2050 йилларга бориб, давлатлараро низолар ва урушлар кучаяди. Геосиёсий рақобат (*хусусан, ресурслар учун*) тобора кескинлашади. Кичик минтақавий урушлар кўпайиши мумкин (*мамлакат ичидаги этник, диний низолар орқали*). Киберхукумлар, ахборот урушлари, сунъий интеллект орқали назорат жисмоний урушлардан ҳам хавфли бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, экология бузилиши оқибатида иситиш, чўлланшиш ва сув танқислиги кузатилади. Ернинг ўртача ҳарорати 2°C гача кўтарилди. Бу кишлоқ хўжалиги, иқлим ва инсон соғлиғига жиддий таъсир кўрсатади. Ҳар йили ўртача 20 миллион киши табиий офатлар (*ёнғин, сел, қурғоқчилик*) туфайли миграцияга мажбур бўлади. Орол денгизидан бошлаб, Амазонкагача сув манбалари камайиб боради. Сув танқислиги Африка, Осиё ва Яқин Шарқда давлатлараро зиддиятларни кучайтиради.

Ҳалокатлар олдини олиш учун ҳозирдан қатъий чоралар кўриш, «яшил» технологийалар, қайта тикланадиган энергия, глобал экологик келишувларга катта эътибор қаратиш даркор. 2050 йилгача дунё аҳолиси 9,7 миллиардга етиши мумкин. Шаҳарлар улкан мегаполисларга айланади, лекин кўп жойларда инфратузилма етарли бўлмайди. Иқтисодий табақалашув кескинлашади, яъни миллионерлар ва камбағаллар ўртасида «турли дунё» юзага келади.

Этник муаммолар, масалан, инсон эмас, алгоритм қарор қабул қилиши ортиб боради. Махсус алгоритмлар орқали шахсий ахборотдан манипуляция қилиш авж олади. Одамларнинг руҳий саломатлиги пасаяди (*депрессия, ёлғизлик, экзистенциал саволлар*). Қадриятлар ва маънавий меъёрлар заифлашса, жамиятда ишонсизлик ва кураш авж олади. Бунинг олдини олиш учун эса, маънавий қадриятларни тиклаш, маърифат ва қалб таълимига қайтиш зарур. Ҳар бир шахс жамият яхшиланишига ўз ҳиссасини қўшмоғи жоиз. Давлатлар масъулиятини ҳис қилиб, инсоний ўртасида эмас, инсоният учун рақобат қилиши керак. Таълим ва ОАВ ўқувчиларни «ахборот истеъмолчиси» эмас, «фикрловчи инсон» сифатида тарбиялаши даркор. Фан ва этикани бирлаштириш, яъни ҳар қандай вазиятда технологиядан олдин қалб ишлаши зарур.

— Тушунарли, Сунъий идрок, суҳбат учун ташаккур. Ҳали яна гаплашамиз...



Суҳбатдош: **Ҳуломжон МИРАХМЕДОВ**

ТАДБИР

# ОЛАМДА БУГУН

## Парламентлараро мулоқот таклиф этилди

Украина Олий Радаси депутати, «Халқ хизматкори» партияси sobиқ аъзоси Артём Дмитрукнинг фикрича, Россия билан Украина ўртасидаги тинчлик музокаралари бўйича илк алоқалар икки давлат парламентлари даражасида ўтказилиши мақсадга мувофиқ.

«Менинг Украина халқ депутати сифатидаги позициям шундай: уруш ҳаракатларини тўхтатиш, тинчликка эришиш, техник ҳамкорлик ёки Украина ҳамда Россия ўртасидаги муносабатларга оид ҳар қандай музокараларда 24 соат, 7 кун иштирок этишга тайёрман. Бугун бу – Украина фуқароларининг энг асосий талаби», дея таъкидламоқда Дмитрук.

«Меннинг Украина халқ депутати сифатидаги позициям шундай: уруш ҳаракатларини тўхтатиш, тинчликка эришиш, техник ҳамкорлик ёки Украина ҳамда Россия ўртасидаги муносабатларга оид ҳар қандай музокараларда 24 соат, 7 кун иштирок этишга тайёрман. Бугун бу – Украина фуқароларининг энг асосий талаби», дея таъкидламоқда Дмитрук.

## Германияда 13 миллионга яқин аҳоли – қашшоқ

Германияда қашшоқликда яшаётган фуқаролар сони 13 миллион кишига етди. Бу эса мамлакат аҳолисининг тахминан 15,5 фоизини ташкил этади. Бу ҳақда Der Tagesspiegel нашри Германия ижтимоий хизматларининг янги маълумотларига таяниб хабар берди.

Маълумотларга кўра, ўтган йилга нисбатан қашшоқ аҳоли улуши 1,1 фоизга ошган. Бунинг сабаби сифатида инфляциянинг ошиб бораётгани кўрсатилган. Ушбу тоифага кирувчи фуқароларнинг реал даромадлари ўртача 981 евродан 921 еврогача камайган. Мутахассисларнинг таъкидлашича,

нархлар ўсиши, биринчи навбатда, ёлғиз пенсионерлар, кам таъминланган болали оилалар ва иш ҳақи паст соҳаларда ишловчи фуқароларга қаттиқ таъсир қилган. Германия ижтимоий жамғармалари ҳукумати кўллаб-қувватлаш дастурларини кенгайтириш ва солиқ тизимини қайта қўриб чиқишга чақирмоқда.

## Хитой охиригача курашади

Хитой ташқи ишлар вазири Ван И Рио-де-Жанейрода бўлиб ўтган БРИКС мамлакатлари вазирлар учрашувида сўзга чиқиб, Вашингтон савдо босимини давом эттираркан, Пекин узоқ муддатли курашга тайёр эканини билдирди. Унинг сўзлари Хитой ташқи сиёсат идораси сайтида эълон қилинди.

«Агар сиз курашни истаётган бўлсангиз, биз охиригача курашамиз. Агар мулоқотга тайёр бўлсангиз, биз бир-биримизни тенг қўриб, ҳурмат қилишимиз керак», деди Ван И. У Хитой фақат ўз суверен ҳуқуқининггина эмас, балки «бунинг инсониятининг

ёруғ келажагини» ҳимоя қилаётганини таъкидлади. Вазир кўп томонлама савдо тизимини қўллаб-қувватлаш, глобал бошқарувни ислоҳ қилиш ва «бир томонлама гегемония»дан воз кечиш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

## Ҳиндистон ва Покистон қуролли тўқнашув арафасида

Куни кеча Покистон қуролли кучлари ўт очишни тўхтатиш тўғрисидаги келишувни яна бундан ҳамда Жамму ва Кашмирдаги назорат чизиги бўйлаб Ҳиндистон позицияларини ўққа тутиди. Бу ҳақда Ҳиндистон армияси матбуот хизмати маълум қилди.

Отишмалар Наушера, Сундербани ва Ахнур секторларида қайд этилган. Расмий маълумотларга кўра, Ҳиндистон ҳарбийлари «тез ва мутаносиб» жавоб қайтарган. Бу воқеалар 22 апрель куни Пахалгам шаҳрида содир этилган террорчилик ҳужуми ортдан Ҳиндистон ва Покистон ўртасидаги муносабатлар кескинлашган бир вақтда содир бўлмоқда. Покистон ахборот ва телерадиошўъба вазири Аттаулла Тарар Ҳиндистон

яқин 24–36 соат ичида Покистон ҳудуди зарба бериш ниятида экани ҳақида «ишончли разведка маълумотлари» маълумлигини айтди. Унга кўра, Деҳли Пахалгамдаги ҳужумни «қасддан яратилган баҳона» сифатида ишлатиб, ҳужум уюштиришни режалаштирмоқда. «Ҳар қандай тажовузга қатъий жавоб берилади», деди вазир ва минтақадаги кескинлик учун тўлиқ жавобгарлиқни Ҳиндистон зиммасига юкледи.

## КХДР урушдаги иштирокини расман тасдиқлади

Шимолий Корея ҳукумати илк бор ўз ҳарбийларининг Россия ҳудудида Украинага қарши жангларда иштирок этаётганини расман тасдиқлади. Бу ҳақда Корея Марказий телеграф агентлиги маълум қилди.

Корея қўшини Ким Чен Иннинг туғридан-туғри буйруғи билан жўнатилган. Хабарда таъкидланишича, аскарларни юбориш Пхеньян ва Москва ўртасидаги ўзаро муносабат тўғрисидаги икки томонлама келишув доирасида амалга оширилган. Шимолий Кореялик ҳарбийлар Россия армияси билан елкама-елка туриб, Курск вилоятида ҳаракат қилмоқда. Бундан аввал Россия Қуролли кучлари Бош штаби раҳбари Валерий Герасимов президент Владимир Пу-

тинга КХДР ҳарбийлари «матонат ва қахрамонлик» кўрсатаётганини маълум қилган эди. Жанубий Корея ОАВлари маълумотига кўра, Пхеньян аввалги континентдаги катта йўқотишлар сабаб фронтга қўшимча минг нафаргача аскар юборган. Фарб таҳлилчиларига кўра, дастлаб юборилган ҳарбийлар сони 11 минг атрофида бўлган.

Оламгир ОТАЁРОВ  
тайёрлади

# КИТОБ ВА АДАБИЁТ БАЙРАМИ



Ҳайтбек ТОШТЕМИРОВ олган суратлар

Вазирлар Мақҳамасининг «2020–2025 йилларда китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш миллий дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига асосан, ҳар йили апрель ойида «Китобхонлик ҳафталиги» ўтказилиб келинмоқда. Аънаванавий тус олган бу ҳафталикдан қўзланган мақсад аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида китоб ўқишни кенг тарғиб қилишдан, адабиётга қизиқувчиларни қўллаб-қувватлаш, китобхонлик маданиятини янада ривожлантиришдан иборатдир. Бу йил ҳам ҳафталик давомида республикамизнинг барча ҳудудларида китоб тақдимот-

Эрталабдан янграган куй-қўшиқ садолари инсонларга хурсандчилик бағишлайди, яхши кунлар хабарини етказиши келинаётган Республика «Китобхонлик ҳафталиги»нинг овозиси эди. Бир неча йиллар олдин китоб ўқишдан кўра, пахта териш афзал қўрилган жамият ёшлари бугунги кунда китоб ўқиб, машина ютиб олмоқда. Кутубхоналар китобхонлар билан тўла, кўчада сайр қилганларнинг ҳам қўлида китоб.

лар ва ярмаркалари, шоир ва ёзувчилар билан учрашувлар, маънавий-маърифий тадбирлар, мактаб, кутубхона ва маданият марказларида танловлар, амалий машғулот ҳамда тренинглар, викториналар ташкил қилиниб, ёш китобхонлар ўз билим ва маҳоратларини намойиш этишди. Айтиш лозимки, кейинги йилларда вилоят, туман ва шаҳар ахборот-кутубхона марказларининг 60 дан ортиғида капитал-қурилиш ишлари амалга оширилиб, 18 таси янгидан қурилди. Қолаверса, ҳафталик давомида болалар учун 50 дан ортиқ номдаги китоб тақдимоти ўтказилди. Пойтахтимиздаги «Китоб олами» маркази эса ҳафталик доирасида китоб ярмаркаси ташкил этилиб, унда республикамизнинг етакчи нашриётлари ва китоб дўконлари ўз маҳсулотларини намойиш этишди.

Диёра РАВШАНОВА  
«ISHONCH»

Ўтган асрнинг 60-йиллари ўрталарида Россиянинг Обь ва Енисей дарёларини минтақамизга йўналтириш гоёси ўртага ташланган эди. Турли қарама-қаршилик, тушунмовчиликларни енгиб, узоқ истиқболни кўзлаган бу таклиф собиқ Иттифоқнинг қатор вазирликларини, ҳатто, Вазирлар кенгашида ҳам кенг муҳокама этилганди.

# СИБИРЬ ДАРЁЛАРИНИ МАРКАЗИЙ ОСИЁГА ЙЎНАЛТИРИШ МУМКИН(МИ?)

Уша вақтда ҳукумат топшириғи билан аксариат Иттифоқ ва республикамизнинг соҳага оид илмий-тадқиқот институтларида лойиҳанинг техник-иқтисодий шартлари ишлаб чиқилди. Хулосаларда гарбий Сибирь дарёларининг сувлари Оқ денгиз орқали Шимолий муз океанига етиб бориши, аммо 20–25 миллиард кубметр сув океан балансига мутлақо таъсир этмаслиги айтилди. Бу ҳажмдаги сувнинг Марказий Осиега етиб келиши эса, минтақанинг сув балансида ижобий таъсир кўрсатиши, хусусан, миллионлаб гектар янги ерлар ўзлаштирилишига, пахта ва озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ҳажми ошишига олиб келиши исботлаб берилди.

80-йилларнинг ўрталарида келиб, лойиҳа тайёр ҳолга келди, уни амалга ошириш учун 10–12 миллиард рубль ажратиш тўғрисида ҳукумат қарори ҳам чиқди. Замон ўзгариб, «қайта қуриш» даври бошлаб, «мафкурабоси» Егор Лигачев мазкур лойиҳа самарасиз экани, гарбий Сибирь дарёларининг йўналишини ўзгартириш минтақа учун зиён келтирилишини ўзича «исботлаб», Кремль раҳбарияти кўнглига ваҳима солади ва уни бу гоёдан қайтаришга эришади.

нёд этганликларини эслаб ўтиш лозим... Бугун қўшни давлатда қурилаётган «Кўштепа» канали баланси учун Сибирь сувлари ниҳоятда зарур. Қозоғистон ва Туркменистон мазкур улғувор лойиҳани қўллашларига шўбха йўқ. Сибирь дарёлари нафақат минтақамиз, балки қўшни республикалар учун ҳам манфаатли. Канал кенг ва чуқур қурилган тақдирда ундан кемалар эркин ҳаракатланишига имкон яратилади. Бу ўзаро савдо айланмаси ишида камхаржликка олиб келади. Ҳар давлатда бандаргоҳ-портлар қуриладиги, қўллаб янги иш ўринлари пайдо бўлади.

80-йилларнинг ўрталарида келиб, лойиҳа тайёр ҳолга келди, уни амалга ошириш учун 10–12 миллиард рубль ажратиш тўғрисида ҳукумат қарори ҳам чиқди. Замон ўзгариб, «қайта қуриш» даври бошлаб, «мафкурабоси» Егор Лигачев мазкур лойиҳа самарасиз экани, гарбий Сибирь дарёларининг йўналишини ўзгартириш минтақа учун зиён келтирилишини ўзича «исботлаб», Кремль раҳбарияти кўнглига ваҳима солади ва уни бу гоёдан қайтаришга эришади. Аспида Сибирь дарёларининг умумий ҳажмидан бор-йўғи етти фоизигина йўналишини ўзгартириш ҳеч қандай фожиага олиб келмас эди. «Афсуснар сиёсатчи»нинг топшириғи билан Иттифоқда «жамоатчилик фикри»ни шакллантириш кампанияси бошлаб юборилди. Залигин, Распутин сингари ёзувчилар ва бошқа олимларнинг марказий нашрларда чиқишлари уюштирилди. Хуллас, собиқ Иттифоқ Компартиясининг Сиёсий бюроси «жамоатчилик фикри»га таяниб, мазкур лойиҳани бекор қилишга «мажбур бўлди».

Фарб олимларининг келажак тахминларига кўра, дунё океани суви сатҳининг кўтарилиши оқибатида керагидан ортиқ сувга эга бўлган Буюк Британия ва Нидерландия айрим ҳудудларини йўқотиши ёки сув остида қолиши мумкин. Сувга зор давлатлар эса бундан буён қуроқчилик ва сувсизликка баттар дучор бўладилар, деб уйлайдилар. Сув балансини тўғри тақсимлаш бугунги куннинг долзарб мавзуси. Дипломатнинг қатъий фикрича, Россия ва Марказий Осие мамлакатлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни ҳисобга олганда истиқболда Сибирь дарёлари бизнинг минтақамизга етиб келади. Янги ҳисоб-китоблар бўйича, лойиҳанинг нархи 25 миллиард доллар атрофида бўлиши мумкин. Мухими, истак ва сиёсий ирода керак, ҳолос.

«Волга – Дон» ва «Москва» канали каби шлюз-насос тизими ишлаб чиқиш зарурияти туғилди. Сувнинг бир қисми баҳорда тупроқларни шўрдан тозалашда, бошқиси эзда вегетация даврида фойдаланиш учун сув омборларига йўналтирилади. Сувнинг қолган қисмини Орол денгизини тўлдирishi учун сарфлаш мумкин. Биргина Ўзбекистон мисолида олинандиган бўлса, сувсиз қарақоб ётган чўл ҳудудларида миллионлаб гектар ерлар ўзлаштирилади, минглаб инсонлар иш билан таъминланади. Қишлоқ ҳўжалиги, айниқса, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажминини яна бир неча баробарга ошириш имкони юзага келади. Қолаверса, минтақамизда сезиларли равишда иқлим ўзгариши кузатишмоқда. Аҳоли тобора кўпаяр экан, 2050 йилга бориб мамлакатимизда яшовчилар, фаразларга кўра, 50 миллион кишига етади. Шунинг баробарида минтақада сув учун кураш хавфи сезиларли ошади...



Аббор ХОН

Азиз газетхон!  
Мароқли дам олинг!

Мухриддин Холлиқов ижросида  
«КЕТАР БЎЛДИМ»  
қўшиғи  
Муҳаммад Юсуф шеъри

MUASSIS:  
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi  
2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalarini tahrir hay'ati:  
Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi), Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfulla AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OIYIBAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»), Valentina MARSENYUK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Doverie»)  
Bosh muharrir Husan ERMATOV

Bo'limlar:  
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69  
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89  
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79  
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43  
Marketing va obuna – (71) 256-87-73  
Hududlardagi muxbirlar:  
Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20  
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23  
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31  
Navoiy viloyati – (+998-99) 500-05-12  
Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34  
Namangan viloyati – (+998-93) 213-09-66  
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26  
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55  
Surxondaryo viloyati – (+998-90) 379-19-70  
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44  
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24  
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01  
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir: Gulnurbegim Odashboyeva  
Musahhihlar: Dilorom Xudoyberganova, Ulmida Xudoyberganova  
Sahifalovchi: Hasan Abdullajilov  
Bo'shiga topshirish vaqti – 23:20  
Topshirildi – 23:40  
Bahosi kelishilgan narxda  
Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.  
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.  
Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.  
E-mail: ishonch1991@yandex.uz  
Nashr ko'rsatkichi: 133  
Gazetaning poligrafik jihatdan sifati chop etilishiga bosmaxona mas'ul. Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmilashrtirgan tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 25 449 ta  
Shundan: 6 258 nusxa «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Taron ko'chasi, 41-uyda; 18 276 nusxa «Eruditi» MCHJ bosmaxonasi – Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda; 7 915 nusxa «Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi – Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.  
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma G-511  
1 2 3 4 5 6